

УЎТ:631.8/635.21

## ҚОВУН, ТАРВУЗ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УРУҒДОРИЛАГИЧЛАРНИ, МЕВАЛАРНИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИГА ТАЪСИРИ

*Ахмедова Муниса Абдимажитовна*

*Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик*

*илмий тадқиқот институти докторанти*

*zash.ras2018@mail.ru*

**Аннотация.** Ушбу мақолада қовун, тарвуз уруғларига уруғдорилагичлар билан ишлов берилганда, меваларни хўжалик белгилари кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш лаборатория ва дала шароитида ўтказилган тажрибалар натижалари таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** қовун, тарвуз, уруғ, препарат, мева вазни, мева эти, мева бўйи, таркибида эрувчан қуруқ модда, этининг тифизлиги.

**Кириш.** Ўзбекистонда сабзавот очик майдонда 344,8 минг/га, полиз 82,7 минг/га, картошка 115,5 минг/га, помидор 50,0 минг/гадан ортик майдонларга экилади. Аммо кейинги йилларга келиб олинадиган ҳосилдорлик касалликлар таъсирида бир мунча камайиши ва маҳсулотни сифатини бузилишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...мева, сабзавот ва полиз экинларини етиштириш ва уларни қишдан сақлаш даврида пайдо бўладиган зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу муаммони тез суръатларда ижобий ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ва касалликларга чидамли шу муҳитга мослашган янги навларни яратиш, қишлоқ хўжалик экинларида кенг тарқалган ва уларга кўп зарар етказадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларига қарши самарали кураш тадбирларини ишлаб чиқиш жуда муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 29-30 ноябрдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва 30 ноябрь куни Ҳалқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси йиғилиш баёнининг 47-бандида қовуннинг очик майдонларда ва иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган экспортбоп навлари уруғларини етарли миқдорда етиштиришни таъминлаш борасида топшириқлар берилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги қарорлари ва комплекс чора-тадбирлари – аҳолининг соғлом турмуш тарзини таъминлайдиган даражада ҳаётий зарур озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжларини кафолатли таъминлашга йўналтирилган.

**Тадқиқот услуги.** Очиқ майдондаги тажрибалар асосан институтнинг Тошкент вилоятида жойлашган тажриба хўжалигида, кичик майдонларда ўтказилди. Бунда Белик В.Ф.нинг “Сабзавотчилик ва полизчиликда тажрибаларни олиб бориш методикаси” (1992) асосида қовун, тарвуз меваларини хўжалик белгилари аниқланди.

**Тадқиқот натижалари.** Тажрибада қовун, таруз экинлари вариантлар бўйича I-III-қайтариқдаги ҳосили ҳисоб-китоб қилинганда ҳар бир вариантдаги 5 та ўсимликдан мевалари олиниб, қўлланилган уруғдорилагичларни хўжалик белгиларига таъсири аниқланди.

Тарвуз экинлари вариантлар бўйича I-III-қайтариқдаги ҳосили ҳисоб китоб қилинганда қўлланилган уруғдорилагичларни хўжалик белгиларига таъсирига кўра тарвуз уруғларига кимёвий препаратлардан Максим 3.5% сус.к. 5-мл/кг ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 2,4, - 2,8 кг., мева бўйи 16,6-16,4 см., мева эни 15,5-16,6 см., таркибида эрувчан қуруқ модда миқдори 8,7-8,6%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,9-0,8 см. гача бўлганлиги кузатилди. Селест Топ 31,2% с.к 5 мл/кг ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 2,3 - 2,8 кг., мева бўйи 16,3-17,2 см., мева эни 15,6-17,1 см., таркибида эрувчан қуруқ модда миқдори 10,3-7,8%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,9-0,8 см. гача бўлиб, кимёвий препаратларнинг таъсири бўлмади.



Микробиологик препаратлардан Триходермин 1гр/кг ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 2,3 - 2,6 кг., мева бўйи 16,1-17,3 см., мева эни 16,3-17,4 см., таркибида эрувчан қуруқ модда миқдори 7,8-7,9%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,8-0,9 см. гача бўлди. Наномикрозаррача Нано Кремний 1гр/10 литр ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 2,6 - 2,7 кг., мева бўйи 17,1-17,3 см., мева эни 17,5 см., таркибида эрувчан қуруқ модда миқдори 9,8-7,4%, мева

этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 1,0-0,8 см. гача бўлиб ушбу препаратларнинг тарвузни хўжалик белгиларига салбий таъсири бўлмаганлиги кузатилди

Назорат вариантимида I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 2,1 - 2,6 кг., мева бўйи 16,7-17,2 см., мева эни 16,6-17,2 см., таркибида эрувчан куруқ модда миқдори 9,0-7,4%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,8-0,7 см. гача бўлди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибтики қўлланилган кимёвий ва микробиологик препаратларнинг тарвузнинг хўжалик белгиларига салбий таъсири бўлмади. Лекин биологик Наномикрозаррача Нано Кремний препарати 1гр/10 литр ҳисобида қўлланилганда назоратга нисбатан хўжалик белгилари юқори бўлганлиги кузатилди.

Қовун экинлари вариантлар бўйича I-III-қайтариқдаги ҳосили ҳисоб китоб қилинганда, кимёвий препаратлардан Максим 3.5% сус.к. 5-мл/кг ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 0,8 – 0,6 кг., мева бўйи 15,3-11,7 см., мева эни 15,0-12,1 см., таркибида эрувчан куруқ модда миқдори 10,2-8,3%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,4 см. гача бўлганлиги кузатилди. Селест Топ 31,2% с.к 5 мл/кг ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 0,7 - 0,6 кг., мева бўйи 12,0-12,2 см., мева эни 12,6-13,0 см., таркибида эрувчан куруқ модда миқдори 10,5-7,9%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,4-0,5 см. гача бўлиб, кимёвий препаратларнинг таъсири бўлмади.

Микробиологик препаратлардан Триходермин 1гр/кг ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 0,7 - 0,6 кг., мева бўйи 14,8-15,0 см., мева эни 15,4-15,2 см., таркибида эрувчан куруқ модда миқдори 7,5-8,2%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,7-0,4 см. гача бўлди. Наномикрозаррача Нано Кремний 1гр/10 литр ҳисобида қўлланилганда I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 0,7 - 0,6 кг., мева бўйи 12,0-13,1 см., мева эни 12,4-12,6 см., таркибида эрувчан куруқ модда миқдори 10,6-9,4%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,5 см. гача бўлиб ушбу препаратларнинг қовунни хўжалик белгиларига салбий таъсири бўлмаганлиги кузатилди.

Назорат вариантимида I-III қайтариқдаги меваларни ўртача вазни 0,5 - 0,6 кг., мева бўйи 10,4-14,3 см., мева эни 11,0-13,6 см., таркибида эрувчан куруқ модда миқдори 8,3-7,9%, мева этининг тиғизлиги донадор ва мева пўсти ўртача 0,4-0,5 см. гача бўлди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики қўлланилган кимёвий ва микробиологик препаратларнинг қовуни хўжалик белгиларига салбий таъсири бўлмади. Биологик Наномикрозаррача Нано Кремний препарати 1гр/10 литр

ҳисобида қўлланилганда назоратга нисбатан хўжалик белгилари юқори бўлганлиги кузатилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабридаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сон қарори.
3. Белик В.Ф.нинг “Сабзавотчилик ва поллизчиликда тажрибаларни олиб бориш методикаси” (1992)
4. Хакимова Н.Т., Саггарова Р.К, Илдиз чиришга қарши уруғ дорилагичлар. - Защита и карантин растений. 2003. №3. С.18.

